



ТАБРИКНОМА

АНДИЖОН ВИЛОЯТИ ҲОКИМИ ТАБРИГИ

download from website [http:// www.andijan.uz](http://www.andijan.uz)

Андижон вилояти ҳокимлиги

**Андижон вилояти ҳокими Шуҳратбек Қўшақбоевич
Абдурахмоновнинг “Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинларига
бағишланган тантана иштирокчиларига табрик
С Ў З И**

Ассалому алайкум ҳурматли Эльмира Иркиновна!

Қадрли меҳмонлар, “Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинларига бағишланган тантана иштирокчилари!

Сизларни, Сизлар орқали вилоятимизнинг барча ёшларини “Ёшлик ва спорт байрами” билан табриклайман.

Азиз тантана иштирокчилари!

Муҳтарам Юртбошимизнинг ёшларга алоҳида ғамхўрликлари натижасида фарзандларимиз биздан кўра кучли, билимли, доно ва албатта бахтли бўлишлари учун мамлакатимизда мустақиллик даврида улкан ишлар амалга оширилди. Айниқса ёшларнинг соғлом бўлиб ўсишлари учун беҳад спорт иншоотлари барпо этилди.

Мустақилликка эришганимиздан буён ўтган қисқа даврда “Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси” тизимининг ўзида вилоятимизда давлат ва ҳомийларнинг яқин 80 миллиард сўм маблағлари ҳисобига 162 та

замонавий спорт иншоотлари қурилди. Таълим тизимида ва бошқа тармоқларда 1000 дан зиёд спорт комплекслари, заллари ва майдонлари барпо этилдики, бундай шароитлар ҳеч бир юрт фарзандларига nasib этмаган.

Бу имкониятлар фарзандларимизнинг нималарга қодирлигини кўрсатмоқда. Мустақиллик даврида вилоятимиздан Олимпиада чемпионлари, юзга яқин Жаҳон, Осиё чемпионлари, рекордчилар, 1000 дан зиёд Ўзбекистон чемпионлари етишиб чиқди.

Олимпиада чемпиони Муҳаммадқодир Абдуллаев, Олимпия ўйинлари совриндорлари Ўткирбек Ҳайдаров, Баҳодир Султонов, жаҳон чемпионлари Руслан Нуриддинов, Ислом Аҳмедов, Ҳусниддин Рўзиев, Шахло Йўлдошева, Муҳтарама Алиева, Осиё чемпионлари ва совриндорлари Умид Исманов, Ойбек Мамазулунов каби минглаб ёшларимиз билан ҳақли равишда фахрланамиз.

Давлатимиз раҳбарининг алоҳида ғамхўрликлари билан мамлакатимизда уч босқичли “Умид ниҳоллари”, “Баркамол авлод”, “Универсиада” спорт ўйинлари мусобақалари ўтказиб келиняпти. Бу шундай тизимки, унда ёшларимиз тобора чиниқиб, маҳоратини ошириб бориб, жаҳон ареналарида юқори натижаларни қўлга киритишяпти.

Бугун Сизлар билан ана шу уч босқичли тизимнинг “Ёшлик ва спорт байрами” шиори остида ўтаётган дастлабки босқичи - “Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинлари шодиёнасига тўпланганмиз. Спортнинг 17 та тури бўйича мусобақада вилоятимизнинг яқин икки юз минг ёшлари беллашиб, 128 нафар ўғил-қизларимиз

голибликни қўлга киритдилар. “Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинлари голиблари ва уларни тайёрлаган мураббийларни гулдирос қарсақлар билан олқишлаймиз.

“Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинлари мусобақаларида энг яхши натижага эришган, энг кўп ўқувчиси голиблик шоҳсуппасини эгаллаган Андижон шаҳар ҳокимлигига, шаҳардаги умумтаълим мактаблари раҳбарларига, спорт мураббийларига ўз миннатдорлигимни билдираман.

Шунингдек, юқори ўринларни эгаллаган Асака ва Жалақудуқ туманлари ёшларига, уларнинг устозларига, мазкур туманларнинг ҳокимларига ҳам ташаккурлар бўлсин.

Шу билан бирга!

Ўзи раҳбарлик қилаётган ҳудудда спортнинг ривожига етарли эътибор бермаган Хўжаобод тумани ҳокими Исмоилов Ҳасанбой Тешабоевич,

Улуғнор тумани ҳокими Сулаймонов Абдуғофир Мадаминович ва Андижон тумани ҳокими Исамиддинов Улуғбек Ҳалимович бугунги кунда ўзларининг эътиборсизлиги учун хулоса чиқариб келгусида спортнинг ривожланишига жиддий эътибор қаратишларига ишонаман.

Республикаимиз Президентимизнинг бу соҳада олдинга қўйган барча вазифаларини Андижонликлар келгусида тўла бажариб юзлари ёруғ бўладилар.

Азизлар!

Бугунги Андижон шаҳридаги амфитеатрда ўтаётган “Умид ниҳоллари - 2015” спорт ўйинлари шодиёнаси иштирокчиларини яна бир бор табриклар эканман, ҳаммангизга келгусида омад ёр бўлсин.

“Ёшлик ва спорт байрами” ҳаммамизга муборак бўлсин.

Эътиборларингиз учун раҳмат!